mahorat bilan singdirilgan.

**XULOSA.** Xulosa o'rnida shuni aytishimiz mumkinki, erkak va ayol o'rtasidagi gender xoslanish quyidagi qator mezonlarga asoslanishi va tahlil etilishi mumkin bo'ladi.

1) Shaxs omili
2) Nutqiy odatlar
3) Detallar
4) Hissiyotlar
5) Nutqiy xoslanish

Erkak va ayollarning nutqidagi farqlar yuqoridagilar bilan cheklanmaydi, balki ushbu tafovutlarning asosida jinslarning xarakteri, ruhiyati, tafakkuri o'rtasidagi farqlar, gender ko'rinishini belgilovchi normalar, insonlarning ongi va tafakkuri, ijtimoiy-ma'naviy qarashlari asosida ham takomillashadi. Bu esa nafaqat og'zaki nutqda, balki yozma – badiiy asarlarda ham o'z in'ikosini topadi.

**Adabiyotlar**


1. Navoiy A. Qaro ko'zim. T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti. -T.: 1988, 8-б.
2. Adabiyot nazariyasi. Ikki tomlik. I tom. -T.: 1978, 313-б.
3. Hofiz Sheroziy. www.ziyouz.com кутубхонаси. 40-б.
4. Mo'minova. Z. Ishq bog'ida bor edim... -T.: «SHarq», 2019, 46-б.
5. Quronov. D. va boshq. Adabiyotshunoslik lug'ati. -T.: «Akademnashr», 2010, 51-б.
6. Xudoyberdiyev. E. Adabiyotshunoslikka kirish. -T.: «IQTISOD MOLIYA», 2007, 94-б.
7. Гидденс Э. Социология. –Т.: «Шарқ». 2002, 185-б.



**REZYUME**

Maqolada badiiy asar tili haqida umumiy mulohazalar keltirilgan bo'lib, unda ayol nutqiga xos leksemalar badiiyati va gender xoslanish belgilari Zulfiya Mo'minova she'rlari orqali tadqiq etilgan.

**РЕЗЮМЕ**

В статье изложены общие рассуждения о языке художественного произведения, в которых исследуются лексемы, характерные для женской речи, и признаки гендерного происхождения в стихах Зульфии Муминовой.

**SUMMMARY**

The article contains general comments on the language of the literary work, in which the artistry of lexemes specific to female speech and the signs of gender originality were studied by in the poems Zulfiya Muminova.


## ТУЙҒУЛАР ИФОДАСИ ВА ТАРЖИМА


**К.Ю.Ташанов** - *филология фанлари номзоди, доцент*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*



**Таянч сўзлар:** инсон психологияси, қаҳрамон характери, бадиий психологизм, бадиий компонент, психологик вазият, ички монолог, аслият, таржима.

**Ключевые слова:** психология человека, характер героя, художественный психологизм, художественный компонент, психологическая ситуация, внутренний монолог, оригинал, перевод.

**Key words:** human psychology, character of a hero, artistic psychologism, artistic component, psychological situation, internal monologue, original, translation.


Ёзувчи психологик таҳлил маҳорати, бадиий психологизм ва унинг компонентларидаги ўзига хос хусусиятларни ўрганиш ҳамон адабиётшунослигимизнинг энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ўринда бадиий психологизмга тўхталаётганимизга сабаб шуки, бадиий асардаги характер муаммоси илмий таҳлилида психологик таҳлил воситаларига мурожаат қилинади. Чунки А.Б.Есин таъкидлаганидек: *«Энг аввало қандайдир ижтимоий мавқеъ асосини ташкил этган у ёки бу характерни яратар экан, ёзувчи уни персонажларга сингдириб такрорланмас хусусиятларга эга бўлган янги шахсни вужудга келтиради. Ҳақиқий ёки тўқима шахслар турғун хусусиятларининг мажмуи илмий психология ва одатий нутқда характер дейилади. Характер - бу шубҳасиз, психологик воқеликдир»* [1:4-5].

*"Қорақалпоқ достони"*да ички монолог психологик таҳлил шакли, характерни тасвирлашда асосий услуб сифатида кўзга ташланади. Ёзувчи ўткир сюжетли психологик вазиятларда қаҳрамон тақдири ҳал қилинаётган ёки кучли драматик кечинмалар билан ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бераётган воқеаларни тасвирлайди. Бундай вазиятлардан кейин қаҳрамон кучли ўй-фикрларга, кечинмаларга берилади. Ана шундай кучли кечинмаларда қаҳрамон характери ёки характерининг бирон-бир қирраси намоён бўлади. Кучли психологик кечинмаларда ёзувчи қаҳрамоннинг эътиқодий тебранишларини тасвирлайди. Бунда қаҳрамон ё ўзининг ҳаётий ақидасини белгилаб олади, ё ҳаётий ақидасига содиқ қолади, ё ундан чекинади - иккиланади.

*"Қорақалпоқ достони"*да умумий ҳисобда 161 ички монолог бўлиб, адиб бу нутқ турларидан: монолог-кечинма, монолог-хотира ва монолог-муносабатни қўллайди. Ички монологнинг бу турлари ёзувчига қаҳрамон зоҳирий дунёсини, маънавий-ахлоқий қарашларини кенгроқ, чуқурроқ ифодалашга ёрдам беради.

Ички монологларда қаҳрамон характери ёки унинг маълум қирраси ёрқин ифодаланиши ёйинки унда қаҳрамоннинг ички сезимлари, туйғу, кайфияти акс этиб, характернинг янги қирраси юзага келишига туртки бўлиши мумкин. Шунга қараб, бадиий асардаги ички монологларни қуйидаги икки типга ажратиш мумкин.

*1) Қаҳрамон характерининг қирраси ёрқин ифодаланган монологлар.*

*2) Фақат туйғу кайфиятлар ифодаланган монологлар.*

Албатта, бу тарзда ажратиш нисбий бўлиб, ички монологларда фақат қаҳрамон руҳий ҳолати, фикрлаш жараёни акс этар экан, деган маънода тушунилмаслик керак. Чунки, ички монологларда ифодаланган қаҳрамоннинг барқарор қирраларининг йиғиндиси қаҳрамон характерини намоён қилади. Академик М.Қўшжонов: *"Ёзувчи монологнинг қайси бир шаклидан фойдаланмасин, умумқонуният бор: бу - характерлар психологиясини, мазмунини тўлароқ очиб беришдир"*,- дея таъкидлайди. [10:166] Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Чунки: *"...ички монолог фақат қаҳрамон фикрларини ифодалаш учун хизмат қилади, эмоционал ҳолатга унинг фойдаси камроқ"* бўлар экан, ёзувчилар қаҳрамон руҳий холатини тасвирлаш учун муаллиф психологик тасвирига мурожаат қилмоқдалар. [1:41-44]

Ички монологда қаҳрамоннинг фикр-уйлари, муаллиф психологик тасвирида эса унинг руҳий ҳолати ўз аксини топар экан, таржима жараёнида мутаржим булардан бирини иккинчиси билан алмаштирса, ёки қаҳрамоннинг ўй-фикрларини муаллиф психологик тасвирига ўтказиб (*ё аксинча*) юборса, таржима сифатига путур етади. Натижада, қаҳрамон характери ўзгариб кетиши, тўлиқ яратилмай қолиши мумкин.

Т.Қаипбергенов қаҳрамонларининг ички кечинмаларини ёритар экан, умумхарактер йўналишига мувофиқ равишда онгида юз бераётган фикрлаш жараёнини қайд қилишга интилади. Унинг қаҳрамонлари бир қолипда фикрламайдилар. Улар фақат ўзигагина хос бўлган фикрлаш қобилиятига эгадирки, ёзувчи бу билан қаҳрамонларини индивидуаллаштира олган. Демак, таржимада ҳам ички монологларда ифодаланган ҳар бир қаҳрамоннинг фикрлаш тарзини бетакрор бера олиш характер индивидуаллигини таъминлайди.

Таржимашунос олимларимиз мутаржим ўзга тилда яратилган бадиий асарни она тилига ўгиришда сўзлар билан иш кўради, дейишади. Бу тўғри фикр. Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳар қандай таржимон асарни ўгиришдан олдин уни мукаммал равишда ўзлаштириб олади. Ана шу жараёнда у асардаги ҳар бир бадиий компонент: ҳоҳ у ички монолог, ҳоҳ у бадиий портрет, автор характеристикаси ва бошқалар бўлсин, уларнинг жойлашиш ўрнини, тўғрироғи, бадиий компонент (*ички монолог ёки бадиий портрет ва ҳоказо*) эканлигини билади. Демоқчимизки, мутаржим бирданига таржима қилиб кетавермайди. Таржима асносидаги навбатдаги амал, яъни "сўзлар" билан иш кўриш жараёни ва уларни ўгириш мутаржим маҳорати билан боғлиқ масаладир. Нима учун биз бу фикрни илгари сураяпмиз? Шунинг учунки, манба сифатида олинган *"Қорақалпоқ достони"* трилогиясида ҳар бир бадиий компонент ўз ўрнида, жойида келган.

*"Маманбий афсонаси"*даги ички хос фикрлаш тарзи, характер қирралари, масалан, Маманбийнинг ички кечинмаларида кўпроқ сўроқлар ва уларга қаҳрамоннинг жавоб излаш жараёни орқали кузатилса, Омонлиқ монологлари сўроқ гаплар, тасдиқлар ва ундовлардан, Ирисқулбий кечинмалари эса сўроқ гаплардан иборат. Бироқ, у бўлаётган ёки хотирасидан кечаётган воқеа-ҳодисаларга эмоционал муносабатини танқидий баҳолай олади. Лекин Ирисқулбий руҳиятида баҳолаётган воқеа-ҳодиса унинг субъектив баҳосига эгадирки, ёзувчи бу қаҳрамонда эътиқодий тебранишларни юзага келтиришни истаган. Мурод шайх кечинмалари эса, қарияларга хос босиқлиқ билан фикр юритиши билан бошқа қаҳрамонлардан ажратилиб тасвирланади.

Ёзувчи ички монологда қаҳрамон характеридаги муҳим қирраларни ифодалайди.

***Аслиятда:*** *"Айбат ушын! - Өзинше мысқыл етти Маман - Кимге айбат екен! Қайтама қарақалпаққа хорлық ушын сақлатып қойыпты. Усыны неге мениң сорлы әкем сонда түсиндирмеди. Жоқ, айбат болмай-ақ қойсын. Тулып болып-ақ қалайын, босатаман"* [7:53].

***Таржимада:*** *"Ваҳима солиш учун эмиш! - деди ўзига Маман - Кимни қўрқитмоқчи? Қайтага қорақалпоқни ёмон кўрсатиш учун ушлаб турибди. Шуни бечора отам ўшанда нега тушунтирмаган экан-а? Йўқ, ваҳимали бўлмаёқ қўя қолсин. Гуноҳкор бўлсам ҳам майли, бўшатаман"* [4:60].

Маманбийнинг бу ички монологи унинг характеридаги дадил ҳаракат қилиш, дангаллик, жасурлик қирраларини ифодалайди. Маманбий монологи Мурод шайх билан Уразан ботир ўртасида рус асирлари тўғрисида бўлиб ўтган суҳбатнинг хотирланиши ва улар нутқидаги *"айбат ушын"*нинг ишлатилиши натижасида юзага келган. Шу сабабдан ҳам Маман ички монологида аслиятда *"айбат"* сўзи уч марта такрорланади. Биргина шу сўз Маманнинг характер қиррасини, халқ дарди, рус асирларининг тақдири тўғрисидаги қайғуришларини ифодалайди. Таржимон бу сўз маъносини тўла ифодалайди. Ички монолог таржимасида бу сўз икки марта такрорланиб келган. Таржимада *"ваҳима қилмоқ"*нинг *"қўрқитмоқ"* деган синоними ишлатилиши натижасида асар қаҳрамонининг воқеа-ҳодисага муносабати аниқлаштирилади.

Т.Қаипбергенов ички монологнинг қаҳрамоннинг бошидан кечирганларини ҳаёлига келтириш ва шу асосда ўз-ўзини таҳлил қилиш турини ҳам кенг қўллайди. Ички монологнинг бу турини ёзувчи деярли ҳар бир қаҳрамоннинг ички нутқида қўллайди. Ички нутқнинг мазкур турида ёзувчи қаҳрамоннинг ўз-ўзини англаш, қилаётган ҳатти-ҳаракатларни баҳолаш ва белгилашини очади. Масалан, Ирисқулбий, Эрназар олакўз, Ойдщсбий монологлари ўз-ўзини англашга қаратилган ва таржимон уларни маҳорат билан ўгирган. Ирисқулбий ички нутқига эътибор берайлик.

***Аслиятда:*** *"Не ушын қоңыратлар қосыўысымнан шығып баратыр? Неге қатты қысылмайды? Не шайқалтып жүр? Ғаррылығым ба, бослығым ба, өзимде бурынғы қаталлық қалмады. Бос көкирекке, суў көзге айландым..."* [7:115].

***Таржимада:*** *"Нима учун қўнғиротлиликлар қўл остимдан чиқиб кетаяпти? Нега булар уялишмайди? Нега менинг гапимга кирмайди? Кексалигимдан ё бўшанглигимданми, ўзим ҳа илгаридай қаттиқўл эмасман, латтадай бўшашиб кетдим..."* [4:131].

Кўринадики, Ирисқулбий қўнғирот уруғи ўртасида нуфузи тушиб бараётгани, уруғ бойлари *"қўл остидан чиқиб"* кетаётган сабаби ва моҳиятини ўз-ўзини таҳлил қилиш йўли билан излаяпти. Аслиятда қаҳрамон ички нутқида *"бос көкирекке, суў көзге айландым"*, (сўзма-сўз таржимада: *"бўш кўкракка, сув кўзга айландим"*)деган образли ифода ишлатилган. Л.Тожиева уни *"латтадай бўшашиб кетмоқ"* деб ўгиради. Моҳиятан олиб қараганда, бу ибора қаҳрамоннинг ҳаётдаги ўз-ўрнини таҳлил қилиши ва руҳий ҳолатига мос келади. Яъни аслиятда ишлатилган маталнинг эквиваленти бўла олади. Демак, аслиятдагига нисбатан таржимада ишлатилган ифода қаҳрамоннинг ўзига бераётган баҳосини кучайтиради, эмоционал-экспрессивликни оширади.

*"Бахтсизлар"*да асарнинг бош қаҳрамони - Ойдўсбийнинг тақдири халқ тақдири билан чамбарчас боғланиб кетганини чуқур ҳис қиласиз. Бу унинг ички кечинмаларида, фикр-ўйларида янада бўртиброқ акс этади. Ёзувчи Ойдўсбий образини психологик жиҳатдан мураккаб характер сифатида тасвирлайди. Бу характерда самиймийлик ва шуҳратпарастлик, инсонийлик фазилатлари билан бирга ғайриинсонийлик ҳаракатлари мужассамлашган, ҳатто булар ўзаро уйғунлашиб кетган. Т.Қаипбергенов Ойдўсбий характеридаги инсонийлик ва ғайриинсонийликнинг турли қирраларини, унинг юзага келиш сабаблари поэтик талқини асносида психологик таҳлил воситаларида фойдаланади ва ички монологлар воситасида характер маънавий оламини ёритади.

Ойдўсбий уруғларни бирлаштириш, улар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилишни мақсад қилади. Бунинг учун хонлик тузиш, пойтахт қалъа қуриш лозим, деб ҳисоблайди. Қаҳрамонда бундай ниятнинг пайдо бўлишига, бир томондан, ижтимоий шароит, қорақалпоқларнинг Хива хонлигига қарам бўлиб қолгани, иккинчи томондан, халқ сўнгги нонини солиқ сифатида хонликка тўлаётгани сабаб бўлган. Ҳар сафар солиқ тўланаётганида Ойдўсбийнинг тасаввурида халқни бирлаштириб турган нарса-хонлик бўлиб туюлади. Шунинг учун ҳам Ойдўсбий онгида қорақалпоқ хонлиги тузиш нияти пишиб етилади.

***Аслиятда:*** *"Узақ ойдан кейин "қарақалпақларға, өз елиме! - деди бирден ҳәм мыйығында қуўаныш күлкиси пайда болып ырғып кете жазлады. -Ҳо, Ҳо, қарақалпақ ханлығы! Қарақалпақ ханлығы! Усыннан елдиң есапсыз руўлары биригип, Хийўадай қала салса, кәрўан тоқтаса ҳәм елге, ҳәм маған не деген ығбал! Хийўадан ушып келген ғарғаны қаршыға демей, Хийўадан ушып келген*

*шымшықты бұлбил демей, еркин күн көрсек...”* [8:12].

***Таржимада:****“Узоқ ўйланиб ўтиргандан кейин: “Қорақалпоқларга, ўз элимга хон бўламан! - деди ўзига-ўзи, бирдан мийиғида қувонч кулгиси пайдо бўлиб, ирғиб ўрнидан туриб кетишига оз қолди. –Ҳо, ҳо қорақалпоқ хонлиги! Қорақалпоқ хонлиги! Бунинг учун элнинг ҳисобсиз уруғлари бирлашса, Хивадай шаҳар қурса, карвон тўхтаб ўтса юртга ҳам, менга ҳам фойда бўлади-ку. Қани энди Хивадан учиб келган қарғани қарчиғай демай, чумчуқни булбул демай, ўзимиз эркин кун кўрсак...”* [5:11].

Ойдўсбий монологида унинг тийнатидамавжуд миллий характер қирраларида намоён бўлган. Чунки монологда унинг атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, “*нарсаларни тушиниш тарзи*” ифодаланган.

Муқоясадан кўриниб тўрибдики, муаллиф Ойдўсбий характеридаги такаббурлик ва маманлик, шуҳратпарстлик қирраларини “*өз елиме*” сўз бирикмасида берса, таржимон “*ўз элимга хон бўламан*” таъкиди билан характердаги шуҳратпарастлик хислатини аниқ ифодалайди. Аслиятда “*Хивадан учиб келган...*” сўз бирикмаси қаҳрамон ички нутқида икки марта ишлатилса, таржимада у бир бор қўлланилади. Аслиятда қорақалпоқларнинг Хива хонлигига ўта даражада қарам бўлиб қолганлиги. Ойдўсбийнинг халқ келажаги тўғрисидаги ғам-андуҳи, алами ва орзуси ифодаланган. Таржимон халқ қарамлигини, қаҳрамон орзусини аслият ортидан қувмай, ундаги маънони “*Қани энди”*...га юклаган ҳолда, такрорламасдан муқобил - аниқ таржима қилади, ички монологни қайта яратади. Демакки, қаҳрамоннинг фикрлаш жараёни ҳам тўлақонли яратилган. Агарда таржимон аслиятдаги сингари такрорга йўл қўйганида, таржимада ғализлик юзага келган бўлур эди. Бироқ таржимада жузъий камчилик ҳам мавжуд. Т.Қаипбергенов Ойдўсбийдаги шуҳратпарастликни “*ҳәм елге, ҳәм маған не деген ығбал!” – “ҳам элга, ҳам менга қанчалик шараф”*- орқали ифодалайди. Л.Тожиева эса қаҳрамон қўмсаётган маънавий “*фойда”*ни шунчаки қуруқ, моддий фойдага айлантириб қўяди. Чунки китобхонда Ойдўсбий фақат масаланинг моддий томонини назарда тутяпти, деган тасаввур пайдо бўлади. Шунингдек, аслиятдаги “*усыннан*”- *шундан кейин, натижада сўзи“бунинг учун”* деб таржима қилинган. Аслиятда қаҳрамон бу сўз орқали хонлик тузилишининг натижаси сифатида тарқоқлашиб кетган уруғларнинг бирлашишини кўрса, таржимада ўша мақсаднинг “*бунинг учун”* деб ағдарилиши оқибатида қаҳрамон гўё уруғлар бирлашиши хонлик тузилишига олиб келиши мумкин деган, маъно юзага чиқиб қолган. Демак, битта сўзнинг нотўғри ағдарилиши қаҳрамон ўй-фикрларига қарама-қарши маъно келтириб чиқарган.

Т.Қаипбергенов характер ички дунёси, руҳияти ва маънавиятини очиб беришда ички нутқ турли шаклларини маҳорат билан қўллай оладиган ёзувчидир. Маълумки, қаҳрамонда ўй-фикр, туйғунинг юзага келишига бирор-бир воқеа-ҳодиса туртки бўлади ва у шу воқеа-ҳодисага муносабат билдиради. Иккинчидан, бўлиб ўтган воқеа эсга олиниши ёки шахснинг хатти-харакатлари, қилиқлари гап-сўзларига муносбат билдирилиши мумкин. Муносабат асносида, қаҳрамон уларни таҳлил қилади. Масалан, Эрназар олакўз замонасининг адолатсизлиги, халқини ёруғ кунларга чиқаришнинг йўллари тўғрисида шундай ҳаёлларга берилади.

***Аслиятда:****“...Кир басқан бул әлемде биз қайда барамыз? Я бирлигимиз болмаса, я бәршеге гәпин тыңлатқандай ағамыз болмаса, я әлемге жайылған илим-ҳикметимиз болмаса... Оның үстине, кимниң өзгеге айтар арзы болса, ол өзинен әззиниң арзын тыңлай алмайды... Хийўа ханы да, Бухара ҳәмири де арзын тыңлап, өзгеге қол жаба алмайды, өзлериниң ҳалы қудай менен. Гә орыслардың, гә инглислердиң, гә Иран менен Түркия алдында жорғалаған қоян. Бизлер сыяқлы аз санлы әззи халыққа басқа патшалыққа арзы етпей күш ететуғын патшалық ғана жәрдем ете алады....”* [9:78].

***Таржимада:****“Ифлосликка тўла бу оламда биз қаерга ҳам бора олардик? Ва бирлигимиз бўлмаса, на ҳаммага гапни ўтказа оладиган оғамиз бўлмаса, ё илм-ҳикматга эга бўлмасак... Бунинг устига бировнинг арзини тинглайдиган одамнинг ўзи йўқ... Хива хони ҳам, Бухоро амири ҳам арзга қулоқ солиб, ёрдам беролмайди, ўзларининг аҳволлари баҳоли қудрат. Гоҳ русларнинг, гоҳ инглизларнинг, гоҳ Эрон билан Туркия олдида йўргалаган қуён. Бизга ўхшаш оз сонли ночор халққа арзи эмас, кучи етадиган подшоликкина ёрдам бера олади....”.* [6:80]

Эрназар олакўзнинг бу ички монологида унинг халқ тақдири, қорақалпоқ халқини қолоқлик, асрий тарқоқликдан қутқаришнинг йўлларини излаш, бунда ёрдам бера оладиган дўст ахтариш тўғрисидаги қайғуришлари акс этган. Ёзувчи Эрназар олакўзнинг деярли ҳар бир ички монологида “*аты әпсана Маманбий*” жумласини такрор ва такрор ишлатадики, бу билан уни Маманбий орзулари ва ниятлари вориси, Ойдўсбий ғояларининг давомчиси, уларни амалга оширувчи сифатида кўрсатади. Л.Тожиева Эрназар олакўз кечинмаларида келган такрорни ҳам, хонлик тузиш тўғрисидаги ғоянинг пайдо бўлишини ҳам тўғри илғаб таржима қилган. Энг асосийси, қаҳрамон характерида илғор ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган туркини, ҳаёт моҳиятини излашга интилишини таржимон тўғри идрок этиб, эквивалент сўзларни топиб ишлатади. Масалан, Эрназар олакўз Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг ҳоли-қудратини мушоҳада қиларкан: “*худо билан”* деган хулосага келади. Л.Тожиева эса уни “*баҳоли қудрат”* деб ўгирадики, бу билан қаҳрамоннинг хулосасини янада аниқлаштиради, эмоционал-экспрессивликни оширади.

Т.Шукуров миллий ўзига хос реалиялар таржимасида уларнинг матндаги вазифасидан келиб чиққан ҳолда ағдариш ва илмий тадқиқ этиш зарурлигини таъкидлаб: “*Миллий ўзига хос реалияларни таржима қилиш масаласи уларнинг матдаги ўрнига, стилистик тарафдан фаол ёки сустлигига қараб ўзгаради”*, -деган хулосага келади [3:117-126]. Назаримизда, Т.Шукуровнинг бу хулосаси фақат миллий ўзига хос реалиялар таржимасигагина эмас, балки асарда ишлатилган ҳар бир сўз ва уни таржимада беришга ҳам тегишлидир. Сабаби, ёзувчи қўлланган ҳар бир сўзга маълум бир маъно юклайдики, бу маъно сўзнинг стилистик-семантик жиҳатдан ишлатилиши матндаги вазифасида қалқиб чиқади. Шу нуқтаи назардан таржимон асарда ишлатилган сўзнинг моҳиятини ва маъносини тушуниб етиши, унинг вазифасини илғаб олиб ағдариши лозим. Юқорида келтирган мисолимизда Т.Қаипбергенов Эрназар олакўзнинг ички монологида “*арзы*” ва “*әззи*” сўзларини қўллайдики, бу сўзлар қаҳрамон ички кечинмасида стилистик-семантик жиҳатдан фаол ишлатилган, мана шу сўзларнинг қаҳрамон ички кечинмасида фаол қўлланиши унинг Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг куч-кудратига бераётган баҳосини келтириб чиқарган. Қаҳрамоннинг “*...кимниң өзгеге айтар арзы болса, ол өзинен әззиниң арзын тыңлай алмайды...”(“кимнинг ўзгага айтар арзи бўлса, ўзидан кучсизнинг арзини тинглай олмайди”)* деган хулосаси иккинчи: “*Бизлер сыяқлы аз санлы әззи халыққа басқа патшалыққа арзы етпей күш ететуғын патшалық ғана жәрдем ете алады”*, - деган хулосани келтириб чиқаради. Таржимон Эрназар олакўзнинг биринчи хулосасини “*бировнинг арзини тинглайдиган*

*одамнинг ўзи йўқ"* тарзида ўгириб, қахрамоннинг фикрини хиралаштирган. Бу ҳол ўз навбатида, қаҳрамон иккинчи хулосасининг тескари чиқишига ҳам сабаб бўлган. Яъни таржимон *"басқа патшалыққа"* жумласини ташлаб кетиши, *"арзы етпей"* – *"арз қилмай"*ни *"арзи эмас"* тарзида ағдариши оқибатида таржимада қаҳрамон тарқоқлашиб кетган уруғларни бирлаштириш, халқини маданиятли қилиш, илм-маърифатни жорий этиш учун *"кучи етадиган"* - куч ишлатадиган *"подшоликкина ёрдам бера олади"* деган тескари хулосага келади. Бундай хулоса Эрназар олакўз характерига тамомила зиддир.

Трилогия таржимасидан ички монологлар ўгирмасига оид мутаржим маҳоратини кўрсатувчи далил ва исботларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ, ички монологлар таржимасида Л.Тожиева йўл қўйган, қаҳрамон характерининг қирраси тўлақонли чиқмаслигига сабаб бўлган қуйидаги камчилик ва хатоликлар мавжудлигини таъкидлаш ўринлидир:

- *шаклан ўхшаш сўзларни ўзбек тилига ўтказиб қўйиш;*
- *аслиятдаги сўзнинг ўзбек тилидаги эквивалентини топиб ишлатмаслик;*
- *аслиятдаги сўзнинг маъносига тамоман қарама-қарши маъно ташувчи сўзларни қўллаш;*
- *стилистик ғализликка йўл қўйиш.*

Хуллас, таржимон қаҳрамон фикри қай томонга йўналаётганлигини, ички монологни юзага келтирган вазиятни аниқ идрок этганидан кейингина уларни аслиятга мос равишда тўлақонли таржима қилиши мумкин. У қаҳрамон ички нутқидаги фаол ёки суст сўзларни ажратиб, улар ортидаги маънони илғаб ҳам монологдаги характер қиррасини қайта тикланишини таъминлайди. Қардош тилларaро таржимада аслиятдаги шаклан ва талаффуз жиҳатидан ўхшашликка чалғилса, аслият тилининг синтактик зид, аслиятга хилоф таржимаси юзага келади. Таржимада қаҳрамон руҳий кечинмалари, фикрлаш жараёни бузилади ва характер қирраси акс этмай қолади.

**Адабиётлар**


1. Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. –Москва: 1988.
2. Шермуҳамедов П. Барчадин яхшироқ ҳаёт гули... –Тошкент: 1983.
3. Шукуров Т. Национально-специфичекие реалии в контексте перевода//Вопросы грамматики и перевода. –Рязань: 1962.
4. Қаипбергенов Т. Сайланма. Уч жилдлик. Қорақалпоқ достони. 1-жилд. Маманбий афсонаси. Роман. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
5. Қаипбергенов Т. Сайланма. Уч жилдлик. Қорақалпоқ достони. 2-жилд. Бахтсизлар. Роман. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
6. Қаипбергенов Т. Сайланма. Уч жилдлик. Қорақалпоқ достони. 3-жилд. Гумроҳлар. Роман. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983.
7. Қайипбергенов Т. Шығармалары. Бес томлық. Қарақалпақ дәстаны. 1-том. Маманбий әпсанасы. Роман. –Нөкис: "Қарақалпақстан", 1979.
8. Қайипбергенов Т. Шығармалары. Бес томлық. 2-том. Қарақалпақ дәстаны. Бахытсызлар. Роман. –Нөкис: "Қарақалпақстан", 1979.
9. Қайипбергенов Т. Шығармалары. Бес томлық. 3-том. Қарақалпақ дәстаны. Түсиниксизлер. Роман. –Нөкис: "Қарақалпақстан", 1979.
10. Қўшжонов М. Маъно ва мезон. -Тошкент: 1974.



**РЕЗЮМЕ**

Мақолада бадиий асар қаҳрамонининг руҳий ҳолати таъсирида юзага келган туйғулар, унинг ифодаси бўлган ички монологлар ва уни таржимада қайта яратиш масаласи тадқиқ этилган. Хусусан, ички монологларда қаҳрамон характери қирралари намоён бўлиши ва у индивидуаллик касб этиши, ёйинки улар фақат хис-ҳаёжон, туйғу билан боғлиқ бўлиши эҳтимоллиги нуқтаи назаридан иккига ажратиб таҳлил этиш йўналишида ўрганилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье исследуются художественный компонент, возникающий под влиянием психологического состояния героя, внутренние монологи и способы их воспроизведения в переводе. В частности, внутренние монологи проанализированы с точки зрения черт характера персонажей, которые являются индивидуальными чертами, а также они анализируются с точки зрения эмоций и эмоцонального состояния героев.

**SUMMARY**

The article is devoted to the study of an artistic component, that appears under the influence of a hero's psychological state, internal monologues and ways of their reproduction in translation. In particular, internal monologues are analyzed in terms of character traits of personages, which are considered to be individual traits, and they are also analyzed in terms of emotions and the emotional state of the characters.


УДК : 8-1/-1

## БЕРДАҚТЫҢ ТАРИЙХЫЙ – ЭПИКАЛЫҚ ШЫҒАРМАЛАРЫНДА РУЎ – ҚӘЎИМЛЕР ТАРИЙХЫНЫҢ ГЕЙПАРА МӘСЕЛЕЛЕРИ


**А.Ж.Утамбетова -** *докторант*

*Өзбекстан Республикасы Илимлер академиясы Қарақалпақстан бөлими*

*Қарақалпақ гуманитар илимлер илим-изертлеў институты*



**Таянч сўзлар:** халқ, улус, уруғ-қавм, миллат, тарих ва этимология.

**Ключевые слова:** народ, улус, родо-племенной, нация, история и этимология.

**Key words:** people, ulus, clen-tribal, nation, history and etymology.


Белгили әдебият тарийхшысы К.Мәмбетов өзиниң «Қарақалпақлардың этнографиялық тарийхы» мийнетинде Бердақ «Шежиреси»ндеги қарақалпақлардың еки арыс, алты руўға бөлип көрсетиўлери, олардың да өз ишинде киши руўларға, киши руўлардың болса майда көше, тийрелерге бөлип көрсетилиўи тарийхый жақтан да ҳақыйқатлыққа бир қанша жақын келетуғынлығын атап өтип, солардың ишинде қыпшақлардың Алтын Орда дәўирине дейин-ақ усы руўлардың бәрин бирлестирген үлкен улыс дәрежесине жеткенлигин, ҳәттеки Ябылар менен Қаңлылардың Хорезмде усы атамада мәмлекетшиликлери дүзилгенлигин, ал Алтын Орда, Ноғайлы дәўиринде қарақалпақ руўларының тийкарғы ядросы аўхамлық бирлеспелердиң қурамында болғанлығын, әсиресе Ноғайлы дәўиринде бул қарақалпақ руўларының Бердақтың «бәри алты руў қарақалпақ» деп көрсеткениндей Ноғайлардың «алты улы» бөлеги атанғанын, бул дәўирде (XIV әсирде) қарақалпақлардың Ноғайлы аўқамының негизин қурағанлығын, ҳәтте бул аўқам айырым ўақытларда қарақалпақлардың Маңғыт руўы аты менен «Маңғыт журты» деп аталғанлығын дәстиярлы тарийхый фактлер менен көрсетип береди [1:74].

Бердақ «Шежире»синде қарақалпақлардың руў-қәўимлик қурамы айтылған бул орынларда, олардың уранлары, руў-қәўимлик тамғалары ҳаққында да